


## Тушнинг турлари ва туш кўришга оид одоблар



11:30 / 16.01.2018 10090

### **Тушлар уч хил бўлади:**

1. Аллоҳ томонидан бўлган солиҳ туш;
2. Шайтондан бўлган тушкунликка солувчи туш;
3. Хаёлидан ўтказган нарсаларни тушида кўриш.

### **Солиҳ тушга оид одоблар:**

1. Аллоҳ ҳамд айтиш;
2. Уни яхши кўрган биродарига айтиб бериш;

### **Ёмон тушга оид одоблар:**

1. Бу тушдан ва шайтоннинг шарридан паноҳ беришни Аллоҳдан сўраш;
2. Уни ҳеч кимга айтиб бермаслик;

3. Чап тарафига уч марта туфлаб юбориш;
4. Бошқа тарафга ўгирилиб олиб ётиш;
5. Туриб, намоз ўқиш.

Бу борада келган айрим ҳадиси шарифлар:

دَكَتَ مَنْ لَمْ يُنَاصِلْ بَرْتَقًا إِذَا: «لَأَقَمَّ لَسَوْهَ يَلْعَهُ لَلِإِيَّاصِيَّ بَلَلِ نَعَّ، رَؤْيِيَّ رَهَّ بَأَنْ عَسَمَّخْ نَمَّ عَزَّجَ مَلْسُ مَلَّأَيُّو، أَثَّيَّ دَحْ مُمْ كَقَدَّصَأَ أَيُّوُ مُمْ كَقَدَّصَأَ، بَدَّكَتَ مَلْسُ مَلَّأَيُّوُ أَيُّوُ رَأَوُ أَيُّوُ رَوُ، لَلِ نَمَّ يَرْشُبَ عَجَلَّ لَأَيُّوُ رَفَّ؛ عَثَّالَثَّ أَيُّوُ رَلَّأَوُ، ةُؤُبَّ نَلَّ نَمَّ أَعَزَّجَ نَيَّ عَبَّرَأَوُ هَرَكِّيَّ أَمَّ مُمْ كَقَدَّحَ إِأَرَّ نِإَفَّ، هَسَفَّ نَمَّ عَزَّجَ لَأَيُّوُ رَفَّ؛ أَيُّوُ رَوُ، نَأَطِّيَّ شَلَّ نَمَّ نَيَّ زَحَّتْ [مَلْسُ مُمْ هَأَوْرَأَ]. «سَأَنَلَّ أَوَبَّ شَدَّحِّيَّ أَلَوُ لَصَّيَّ لَفَّ مُمْ قَيَّ لَفَّ».

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Қачон замон (Қиёмат) яқинлашса, мўминнинг туши ёлғон бўлмай қолади. Сизларнинг туши ростингиз гапи ростингиздир. Мусулмоннинг туши нубувватнинг қирқ беш жузидан бир жуздир. Туш уч хилдир: Солиҳ туш Аллоҳдан севинч башоратидир. Маҳзун туш шайтондандир. Киши кўнглидан ўтказган нарсани тушида кўриши. Агар бирингиз ўзига ёқмаган нарсани туш кўрса, ўрнидан туриб, намоз ўқисин. Уни (ёмон тушни) одамларга айтмасин».**

*Муслим ривоят қилган.*

يَأْرَأِإِ: «لُؤُقَيَّ مَلْسَوْهَ يَلْعَهُ لَلِإِيَّاصِيَّ بَلَلِ نَعَّ، أَيُّوُ رَدَّخُ لَلِ دَيَّ عَسَّ بَأَنْ عَسَأَرَّ إِأَوُ، أَوَبَّ شَدَّحِّيَّ لَوُ، أَوَّيَّ لَعَّ لَلِ دَمَّحِّيَّ لَفَّ، لَلِ نَمَّ يَهَّ أَمَّ نِإَفَّ أَوَّيَّ أَيُّوُ مُمْ كَقَدَّحَ أَيُّوُ رَأَوُ أَيُّوُ رَوُ، لَلِ نَمَّ يَرْشُبَ عَجَلَّ لَأَيُّوُ رَفَّ؛ أَيُّوُ رَوُ، نَأَطِّيَّ شَلَّ نَمَّ نَيَّ زَحَّتْ [يَأْرَأِإِ هَأَوْرَأَ]. «هُرُضَّتْ أَلَّ أَوَّيَّ».

*Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Бирортангиз ўзи ёқтирган тушни кўрса, у фақат Аллоҳдандир, бунинг учун Аллоҳга ҳамд айтсин ва уни айтиб бераверсин. Агар ундан бошқа, ўзи ёқтирмаган тушни кўрса, у фақат шайтондандир. Шунинг учун унинг ёмонлигидан паноҳ**

**сўрасин ва уни ҳеч кимга айтмасин, шунда унга зарар қилмайди».**

*Бухорий ривоят қилган.*

عَدَاتِقْ أَبَا تَعْمَسٍ يَتَحَىٰ نَضْرَمَتَ أَيُّورِ لَإِيَّ رَأَتْ نَكْدَقَلْ: لَأَقَّ عَمَلَسَ يَبْأَنْعَ  
أَيُّورِ لَ: لَأُقَوِّيُّ بِنَلَأْتَعْمَسَ يَتَحَىٰ، يَنُضْرَمَتَ أَيُّورِ لَ إِيَّ رَأَتْ نَكْدَقَلْ: لَأُقَوِّيُّ  
أَمَّ يَأْرَ إِذْوَ، بَحُّيُّ نَمَّ أَلْإِوْبُ تَدَحُّيُّ أَلْفُ بَحُّيُّ أَمَّ مُكْدَحُّ أَيْ أَرَّ إِفَّ، لَ لَلْ نَمَّ نَسَحُّ لَ  
تَدَحُّيُّ أَلْو، أَثَّ لَ تَفْتَيْ لَو، نَأَطِيَّ شَلَّ رَشَّ نَمَّ وَ، أَوْرَشَّ نَمَّ هَلَّ لَبَّ دَوَّعَتْ يَلْفُ هَرَكِّي  
أَمَّ لَسُّ مَّ وَ يَرَأْخُ بَلَّ أَوْرَ]. «هُرَضَتْ نَلَّ أَوْرَ إِفَّ، أَدَحَّ أَوْبُ

*Абу Салама розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Мен шундай тушлар кўрардимки, улар мени касал қилар эди. Абу Қатоданинг шундай деганини эшитгушимча шундай бўлди: «Мен шундай тушлар кўрардимки, улар мени касал қилар эди. Бу ҳолат Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитгушимча давом этди: «Яхши туш Аллоҳдандир. Бирортангиз ўзи яхши кўрган нарсани туш кўрса, уни фақат ўзи яхши кўрган кишига айтиб берсин. Агар ўзи ёқтирмайдиган нарсани туш кўрса, унинг ҳамда шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрасин-да, уч бор туфласин ва уни ҳеч кимга айтиб бермасин, шунда унга зинҳор зарар қилмайди».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилган.*

أَيُّورِ لَ مُكْدَحُّ أَيْ أَرَّ إِذْوَ: لَأَقُّ هَنَّ أَمَّ لَسَّ وَ هَيْلَعُ هَلَّ لَ لَ إِصْرَ هَلَّ لَ لَ لُؤْسَرَّ نَعَّ، رِبَّ أَجَّ نَعَّ  
، أَثَّ أَلَّ نَأَطِيَّ شَلَّ لَ نَمَّ هَلَّ لَبَّ دَعَّ تَسَيْ لَو، أَثَّ أَلَّ ثَّ وَرَأْسَيُّ نَعَّ قُصْبَيْ لَفَّ، أَوْرَكِّي  
أَمَّ لَسُّ مَّ وَ هَوْرَ]. «هَيْلَعُ نَأَكَّ يَدَّلَّ هَبَّ نَجَّ نَعَّ لَوَّحَتْ يَلَّ وَ

*Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «Агар бирингиз ўзи ёқтирмайдиган туш кўрса, уч марта чап тарафига туфлаб юборсин, уч марта шайтон(нинг ёмонлиги)дан Аллоҳдан паноҳ сўрасин-да, ётган тарафидан бошқа томонга ўгирилиб олсин».**

*Муслим ривоят қилган.*

**Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф** тайёрлади